



Халқ сўзи

Ўзбекистон —
келажаги
буюк
давлат

2025 йил — АТРОФ-МУҲИТНИ АСРАШ ВА «ЯШИЛ» ИҚТИСОДИЁТ ЙИЛИ

1991 йил 1 январдан чиқа бошлаган

WWW.XS.UZ

E-mail: Info@xs.uz

2025 йил 12 апрель, № 75 (8970)

Шанба

Сайтимизга ўтиш учун QR-кодни телефонингиз орқали сканер қилинг.



ТУРИЗМ СОҲАСИ УЧУН МАЛАКАЛИ КАДРЛАР

фан ва амалиёт интеграцияси асосида тайёрланади

Нўқтгаи назар

Сўнгги йилларда мамлакатимизда туризм соҳасини ривожлантиришга қаратилаётган эътибор туфайли ушбу йўналишда туб ўзгаришлар кузатилмоқда. Яратилаётган ҳар томонлама қулайликлар эса йилдан-йилга сайёҳлар сонини ошириш ва пиروвардида аҳоли бандлигини таъминлашда ҳам қўл келаётир. Албатта, ютуқлар ўзимизники. Аммо туризм салоҳиятини янада ошириш учун бизда имкониятлар ҳали жуда кўп.

Давлатимиз раҳбари томонидан шу йил 7 февраль кўни хизматлар соҳасини ривожлантириш бўйича ўтган йилда амалга оширилган ишлар ҳамда жорий йил учун асосий вазифалар юзасидан ўтказилган видеоселектор йиғилишида ҳам 2024 йили

туризм хизматлари экспорти 3,5 млрд. доллар бўлгани, лекин бу имкониятларимизга мос эмаслиги қайд этилди.

Масалан, Малайзия ва Индонезияда Нақшбандия тариқатининг 7 миллионга яқин издошлари бор. Улар Умрага бориш-

дан олдин зиёратгоҳларимизга сайёҳат қилишни истайди. Бу сайёҳларни Куала-Лумпур ёки Жакартадан Самарқанд ва Бухорога камида 2 кунга олиб келиб, кейин ўзимизнинг самолётда Умрага юбориш учун барча шароит мавжуд. Шундан келиб чиқиб мутасаддиларга Малайзия ва Индонезия зиёратчилари учун “Умра плус” турпакетини йўлга қўйиш топширилди.

Қолаверса, Шахрисабзда “Оқсарой”, Хивада “Ичан қалъа”, Бухорода “Лаби ховуз”, Тошкентда “Янги Ўзбекистон” майдонлари бўлса-да, уларда концерт, кўргаз-

ма, форумлар ўтказиш бўйича режа қилинмагани кўрсатиб ўтилди. Ўзимиздаги 6 та туристик марказда халқаро даражадаги санъаткорларнинг концертлари ташкил этилса, меҳмонхона, ресторан, кафе, савдо ҳамда хизмат кўрсатиш объектлари сайёҳлар билан тўлиши аниқ. Шу муносабат билан мутасаддиларга камида 1 млн. туристни олиб келадиган концерт, бизнес форуми ва кўргазмалар ўтказиш дастурини ишлаб чиқиш юклатилдики, бу ҳам соҳа тараққиётини таъминлайди.



Учрашув Гендер тенгликни мустаҳкамлаш истиқболлари

Кеча Сенатнинг Ёшлар, хотин-қизлар, маданият ва спорт масалалари қўмитаси раиси Орзигул Қозихонова Европада хавфсизлик ва ҳамкорлик тақдироти (ЕХХТ) Бош қотиби офисининг гендер тенглик масалалари бўйича катта маслаҳатчиси Лара Скарпитта билан учрашув ўтказди.

Унда томонлар ҳамкорликнинг асосий йўналишларини, хусусан, жамият ҳаётининг турли соҳаларида ёш хотин-қизларнинг ҳуқуқ ва имкониятларини кенгайтириш масалаларини муҳокама қилди.

Жорий йилнинг 8 — 10 апрель кунлари Тошкент шаҳрида ЕХХТнинг “Гендер тенглик йўлида инновациялар ва тармоқ интеграцияси орқали комплекс хавфсизликни мустаҳкамлаш” лойиҳаси доирасида ташкил этилган “Тинчлик йўлида ёш аёллар ташаббуси: Марказий Осиё ёш аёлларини қўллаб-қувватлаш” мавзuidaги ўқув-маърифий тадбир якунларига алоҳида эътибор қаратилди.

Бундан ташқари, гендер тенглик бўйича ҳамкорликнинг долзарб масалалари кўриб чиқилиб ва келгусидаги истиқболли йўналишлар белгилаб олинди.

Лара Скарпитта Ўзбекистоннинг демократик ислохотларни амалга ошириш борасидаги сайёҳаракатларини юқори баҳолаб, жамиятни ўзгартириш жараёнида парламентнинг роли ортб бораётганини таъкидлади. Шунингдек, у инсон ҳуқуқлари ва демократик ўзгаришлар соҳасида умумий мақсадларга эришиш учун ЕХХТ ва Ўзбекистон ўртасидаги шерикликни янада ривожлантириш муҳимлигини қайд этди.

Учрашув якунида томонлар гендер тенгликни мустаҳкамлаш ва хотин-қизларни, айниқса, ёшларни қўллаб-қувватлашга қаратилган қўша ташаббус ва лойиҳаларни давом эттириш ниятини тасдиқлади.

«Халқ сўзи».

Олий Мажлис Қонунчилик палатасида

Норма ижодкорлиги:

ХАЛҚЧИЛЛИК ВА ЗАМОНАВИЙ ЁНДАШУВ – УСТУВОР МАҚСАД

Президент Шавкат Мирзиёев 2024 йил 20 ноябрь кўни Олий Мажлис Қонунчилик палатасининг мажлисидаги нутқида парламентнинг қонун ижодкорлиги, парламент назорати йўналишидаги фаолиятининг самарадорлигини янада ошириш мақсадида вазирлик ва идораларда раҳбар ўринбосарларини қўйи палата кўмиталари билан доимий ҳамкорлик учун масъул этиб бириктириш тақдирини илгари сурган эди.

Кеча “Қонун ижодкорлиги жараёни сифатини оширишнинг долзарб вазифалари” мавзuida ўтказилган семинарда шу ҳақда сўз юритилиб, бу борада қонунчилик ташаббуси ҳуқуқи субъектлари ва қўйи палата кўмиталари ўртасида ҳамкорликни янада кучайтириш масалалари атрофлича муҳокама қилинди. Унда Қонунчилик палатаси депутатлари, Вазир-

лар Маҳкамаси, Олий суд, Бош прокуратура, Адлия вазирлигининг мутасаддилари ҳамда қонунлар лойиҳаларини тайёрлашда иш тирок этадиган вазирлик ва идоралар вакиллари қатнашди.

Қонун ижодкорлиги қўйи палата фаолиятининг асосий йўналишларидан бўлиб, ушбу жараённинг сифатини ошириш давлат сиёсатининг устувор вазифаларидан бирига айланган.

Ўтган даврда мазкур тизимнинг ташкилий-ҳуқуқий асослари яратилди. Хусусан, Қонунчилик палатасининг Ҳаракат дастури тасдиқланди. Қонун ижодкорлиги, парламент назоратини амалга ошириш, аҳолини ташаббуси билан муаммоларни ўрганиш, таҳлил қилиш ва бар-тараф этишда юқоридаги ҳамкорликка асосланадиган мутлақо янги тизим амалиётга жорий қилинди. Қўйи палата кўмиталарига тегишли соҳалар бўйича вазир ўринбосарлари бириктирилди.

Семинарда қайд этилганидек, сўнгги йилларда қабул қилинаётган қонунларнинг мамлакатда амалга оширилаётган ижтимоий-сиёсий, иқтисодий

ва суд-ҳуқуқ ислохотлари жараёнига таъсирини кучайтиришга йўналтирилган ҳолда қонун ижодкорлиги фаолияти сифати тубдан тақомиллаштирилди, қонунчилик ташаббуси ҳуқуқи субъектларининг бу жараёндаги масъулияти кучайтирилди. Шунингдек, “Норматив-ҳуқуқий ҳужжатларнинг ва улар лойиҳаларининг коррупцияга қарши экспертизаси тўғрисида”ги Қонун қабул қилинди. Янги тахрирдаги “Норматив-ҳуқуқий ҳужжатлар тўғрисида”ги Қонун билан қонунчилик ташаббуси ҳуқуқини амалга оширишнинг аниқ тартиби белгиланди.



Муносабат

ДУНЁ ҲАМЖАМИЯТИНИ ЭЗГУЛИККА УНДАГАН НУТҚ

Парламентларо Иттифоқнинг 150-ассамблеясида давлатимиз раҳбарининг нутқида илгари сурилган муҳим ташаббуслар анжуман қатнашчилари томонидан илиқ кутиб олинди ва юксак баҳоланди.

Мисол учун, Парламентларо Иттифоқ Президенти Тулия Эксон давлатимиз раҳбарининг нутқи Тошкент декларациясининг асосларидан бирига айлангани, янги Ўзбекистон айна пайтда нафақат Марказий Осиёда, балки бутун дунёда ўз сўзи ва қатъий позициясига эга бўлиб бораётгани ва ушбу ютуқларнинг асосий муаллифи Президент

Шавкат Мирзиёев эканини эътироф этди. Давлатимиз раҳбари ўз нутқида халқаро муносабатларда ўзаро ишонч ва мулоқот маданиятини мустаҳкамлаш масаласига алоҳида урғу берди. Бу эса айна пайтда дунёдаги геосиёсий таранглик ва қарама-қаршилиқларни юмшатишда муҳим аҳамият касб этади, албатта.



КОРРУПЦИЯ – ТАРАҚҚИЁТ ЗАВОЛИ

унга қарши кураш ҳар биримизнинг вазифамиз

Давлатимиз раҳбари коррупциянинг олдини олиш бўйича ишлар натижадорлиги ва келгусидаги устувор вазифаларга бағишланган кенгайтирилган йиғилишда ислохотлар ҳал қилувчи босқичга қараётган ҳозирги вақтда юртимизда коррупциядан холи муҳит яратиш бўйича ишларга баҳо бериб, келгуси вазифаларни аниқ белгилаб берди.

Йиғилишда эътироф этилганидек, юртимизда коррупциянинг олдини олиш ва унга қарши курашиш бўйича аниқ тизим яратилди, алоҳида қонунлар қабул қилинди. Парламент пала-

таларида масъул кўмиталар, Коррупцияга қарши курашиш бўйича миллий кенгаш ва агентлик ташкил қилинди.



ГЛОБАЛ ҲАМКОРЛИКНИНГ МУСТАҲКАМ ПЛАТФОРМАСИ

Парламентларо Иттифоқнинг юбилей ассамблеясига мезбон этиб айлан Ўзбекистоннинг танланишида чуқур рамзий маъно бор. Бу — сўнгги йилларда ўзбек парламент дипломатияси амалий ҳаракатга айланганининг халқаро эътирофи. Зотан, қонун ижодкорлиги, парламент назорати ва шу каби йўналишлардаги миллий тажрибамиз дунё ҳамжамияти ва парламентарийлари ҳамда жамоатчилиги томонидан кенг эътироф этилаётгани кўпалаб йирик платформаларда тилга олинмоқда.

Биргина йирик компанияларнинг Ўзбекистонга қизиқиши ортаётгани, 2024 йилда 34,9 млрд. АҚШ доллари миқдорида хорижий инвестициялар ўзлаштирилиб, 2023 йилдаги нисбатан қарийб 1,6 баробар ўсish таъминлангани ҳам мамлакатимизда қонун устуворлигига бўлган ишонч мустаҳкамланганидан далолатдир.

Иқлим ўзгаришига, бевосита экологияга бориб тақаладиган барча масалаларга Ўзбекистонда давлат сиёсати даражасида катта эътибор қаратилаётгани ҳам Иттифоқ мақсадларининг узвий қисми ҳисобланади. Кўптартиявийлик

доирасида Экологик партия тузилгани ва анчадан буён мамлакатимиз сиёсий жараёнларининг фаол иштирокчиси экани, изчил ўтказиб келинаётган “Яшил макон” умуммиллий лойиҳаси, Оролбўйига дунё ҳамжамияти эътиборини қаратиш йўлидаги сайёҳаракатлар ва бошқа кўпалаб миқдорларни келтириш мумкин.

Давлатимиз раҳбари Парламентларо Иттифоқнинг 150-ассамблеясидаги нутқида давримизнинг ўткир муаммосига айланган, сайёрамиз тараққиётига жиддий тўсиқ бўлаётган иқлим ўзгаришлари доимо диққатимиз марка-

зида бўлиши кераклигини, чунки унинг аянчли оқибатлари, энг аввало, ривожланаётган мамлакатларга кучли таъсир кўрсатаётганини алоҳида таъкидлагани бежиз эмас.

Бинобарин иқлим ўзгаришларининг олдини олиш ва атроф-муҳитни асраб-авайлаш бугун кун тартибидаги энг муҳим масалалардан бири саналади. Шу маънода, давлатимиз раҳбари айтганидек, Паррих битими доирасида ва углерод нейтраллигига эришиш борасида ўз зиммамизга олқаро мажбуриятларни тўлиқ бажариш ҳар қачонгидан ҳам муҳимдир.



Нигоҳ

МАЪРИФАТ ЖОНКУЯРИ, ЁШЛАР ҲОМИЙСИ

Самарқанд шаҳрида бўлиб ўтган тарихий аҳамиятга эга муҳим сиёсий воқеа — “Марказий Осиё — Европа Иттифоқи” биринчи саммити икки минтақа ҳамкорлигини мутлақо янги босқичга кўтарди. Юқори даражадаги учрашувлар, ташаббус ва келишувларга бой бўлган мазкур тадбир Ўзбекистон учун Европа Иттифоқидан сармоя ва технологияларни жалб қилиш, жаҳон миқёсида ўз ўрнини янада мустаҳкамлаш учун ноёб имконият яратди, минтақамиздаги ҳар бир фуқаронинг кундалик ҳаётида акс этадиган амалий натижалар берди.

Жумладан, саммит доирасида қабул қилинган қарорлар, илгари сурилган ташаббуслар қатор муҳим йўналишларда — иш ўринларини яратиш, иқтисодий ўсишга кўмаклашиш, маҳаллий маҳсулотларни Европа бозорларига олиб чиқиш имкониятларини кенгайтириш, таълим ва илмий ҳамкорликини ривожлантириш, “яшил” энергетика ҳамда экологик барқарорлиқни таъминлаш, транспорт ва ҳудудий боғлиқликни мустаҳкамлаш,

сайёҳлик ва маданий аламушувни кучайтиришни кўзда тутди.

Таъкидлаш жоизки, Президент Шавкат Мирзиёевнинг Европа Иттифоқи билан “МО+ЕИ” кўринишида расмий саммитни йўлга қўйиш ташаббуси минтақамиз ижтимоий-сиёсий ҳаритасини янги ранглар билан бойитди. Икки минтақа ўртасидаги савдо-сотиқ, маданий-маърифий соҳаларда буюк Амир Темур давридаги алоқалар қайта тикланди.



ЎЗБЕКИСТОН ОВОЗИ БАРАЛЛА ЯНГРАДИ

Пойтахтимизда ўз ишини муваффақиятли якунлаган Парламентларо Иттифоқнинг 150-юбилей ассамблеяси нафақат парламентларо мулоқот майдони сифатида, балки жаҳон ҳамжамиятини ташвишга солаётган долзарб масалалар юзасидан соғлом қараш ва ечимларни илгари суриш, кенг қамровли сиёсий ёндашувларни муҳокама қилиш имконини берувчи муҳим сиёсий воқелик сифатида тарихда қолади, десак, янглишмаймиз.

Ассамблея доирасида бўлиб ўтган муҳокамаларда Президентимиз илгари сурган қатор ташаббуслар парламентларо муносабатлардаги янги босқични бошлаб бериши мўқаррар. Давлатимиз раҳбари ўз нутқида жаҳоннинг турли минтақаларидаги низолар глобал ва минтақавий тинчлик ҳамда хавфсизликка жиддий таҳдид солаётган бир даврда Ўзбекистон ҳар қандай зиддият ва қарама-қаршилиқларни фақат дипломатия, тинч музокаралар йўли билан ҳал қилишнинг қатъий тарафдори эканини қайд этди. Хусусан, қўшни Афғонистоннинг халқаро майдонда яқалланиб қолишига йўл қўймай, амалдаги ҳукумат билан конструктив мулоқот ўрнатиш, афғон заминига Марказий Осиё минтақасининг ажралмас қисми ва янги имкониятлар макони сифатида қараш лозимлигига эътибор қаратиб, ушбу долзарб мақсадларни амалга оширишда парламентлар кўмагига ишонч билдирилди.

Мамлакатимиз раҳбари хотин-қизлар ҳуқуқларини мустаҳкамлаш, уларнинг сиёсий жараёнлардаги таъсирини ва улушини ошириш муҳимлигига тўхталар экан, миллий парламентимизда аёлларнинг ҳиссаси бугунги кунда 38 фоизга етгани, мазкур кўрсаткич Парламентларо Иттифоқ томонидан юксак эътироф этилиб, Осиё минтақасида сўнгги ўттиз йилда энг юқори ўсиш сифатида баҳолангани бизга алоҳида мамнуният бағишлашини таъкидлади.



МАЪРИФАТ ЖОНКУЯРИ, ЁШЛАР ҲОМИЙСИ

Албатта, мустақиллик йилларида биз кўпдан-кўп лойиҳаларни, баландпарвоз чақириқларни кўрганмиз, эшитганмиз. Бироқ Марказий Осиё ва Европа Иттифоқи ўртасидаги ҳамкорлик сари ташланган қадамлар — бу шунчаки гап эмас. Буни кўнча навиқрон Самарқандда ўтган йирик саммит доирасида имзоланган келишувлар, илгари сурилган таклиф ва ташаббуслар, Европа Иттифоқи томонидан ўзаро манфаатли лойиҳалар учун ажратилган 12 миллиард евролик маблағ ҳам исботлаб турибди. Президентимиз бу билан дунёнинг Ўзбекистонимизга, минтақамизга ишончини тиклади. Буни, ҳеч истисносиз, Шавкат Мирзиёев феномени ва янги Ўзбекистонга бўлган ишончнинг амалий ифодаси дейишимиз мумкин. Юртимизда ўтказилаётган ҳар бир тадбир, ҳар бир маросим, ҳар бир учрашув Президентимизнинг “биз эргашувчи эмас, эргаштирувчи бўлишимиз керак”, деган ғояларига мос келиши билан қалбимизда ифтихор уйғотган.

Самарқанд саммити ортидан Тошкентда Парламентларо Иттифокнинг 150-юбилейи ассамблеяси ўтказилиши Ўзбекистон учун ҳам, бутун минтақа учун ҳам нихоятда муҳим воқеаликка айланди. Маз-

КОРРУПЦИЯ – ТАРАҚҚИЁТ ЗАВОЛИ

унга қарши кураш ҳар биримизнинг вазифамиз

Энг муҳими, жамиятда коррупция муаммосини жамоатчилик муҳокамасига олиб чиқадиган шаффоф тизим, очик муҳит яратилди. Коррупцияга қарши курашиш соҳасидаги ҳуқуқий механизмларни такомиллаштириш, инсон ҳуқуқларини ҳимоя қилиш бўйича миллий муассасалар ва фуқаролик жамияти институтлари билан фаол ҳамкорликни амалга ошириш, шунингдек, бу соҳада ахборот-тарғибот ишларини рағбатлантириш мамлакатимизда устувор вазифага айланди.

Мамлакатда коррупцион схемалар, меҳнат қилмасдан тезда бойиб кетиш борасидаги ҳюю-ҳаваслар занжири узиб ташланмас экан, давлатимизнинг ҳар қандай сиёсий, иқтисодий ислохотини ҳаётга олиб кириш, халқни фаровон қилиш вазифаси қозғода қолиб кетаверадди. Ушбу масалада ҳуқуқ-тартибот идоралари бирмунча хушёр, зиёрак бўлиши, шунингдек, нодавлат ташкилотлари, турли комиссиялар, журналистлар, мустақил судлар тизими фаолроқ ишлаши ва сиёсатчилар, социологлар, психологлар, тарихчилар, давлат ҳамда жамоат органлари, сиёсий партиялар, энг муҳими, амалиётчилар масалани таҳлил этиш ва ечимини топиш устида кўпроқ бош қотириши лозим.

Президентимиз таъбири билан айтганда, “ислохотларимиз натижадорлиги, аввало, сadoқатлик, фидойи ва коррупцияга тоқатсиз янги авлодга бевосита боғлиқ. Бу ишда фикри тоза ёш авлодни тарбиялаш устувор вазифага айланиши шарт”. Шу жиҳатдан кейинги йилларда олий таълим тизимида коррупцияга қарши курашиш борасидаги ишлар ўз натижаларини бераётгани қувончли. Бу жуда катта гап. Негачи, бундан ўн йиллар муқаддам энг коррупциялашган соҳа худди шу тизим эди.

Институт ва университетларга 2018 йил қабулининг адолатли, ошкор ташкил қилиниши, ўқув жараёнининг замонавий кредит-модуль тизимига ўтказилиши, профессор-ўқитувчилар ойлик маошининг бир неча баравар кўтариллиши, профессионал мутахассисларнинг давлат томонидан кенг рағбатлантирилаётгани натижасида олий таълим тизимида коррупция ҳолатлари қарийб бартараф этилди.

Шунингдек, бугун иқтисодий-ижтимоий, пул-кредит соҳаларида ҳам бир талай хайрли ишлар амалга ошириляпти. Масалан, давлат харидлари бўйича қонун қабул қилиниб танлов ва тендерлар рақамлаштирилиб, соғлом рақобат юзага келди.

Аммо қусурлар ҳам бор. Бугун ҳар биримиз порахўрлик ва коррупциянинг жирканч иллат экани, айрим раҳбарлар, шифокорлар, педагоглар ва бошқа касб эгаларининг “совга-салом”га ўчлиги ҳақида кўп гапирармиз, аммо ҳамма ишининг бошида ўзимиз турганимизни унутиб қўямиз. Ахир фарзандимизни ишга жойлашга ёрдам берган раҳбарнинг ёки яқинимизни даволаган шифокорнинг чўнтагига сўрама-са ҳам пул қистириб кетаётган ўзимиз-ку! Бировдан иллат қидирамиз, ўзимизнинг камчилигимизни унутиб қўямиз. Ваҳоланки, ўзимиз ўзгармас эканмиз, жамиятда ўзгариш бўлмайди, қусурларимиз “болалайиверади”.

Бугун ҳолимизга боқмай қимўзарга берилиб кетаётганимиз ҳам бор гап. Бу нарса тўйларимизда, маъракаларимизда бор бўйи билан намоеён бўлмоқда. Шунинг учун давлатимиз раҳбари йиғилишда коррупцияни енгиш учун биринчи навбатда унинг ортиқча ҳашамат ва дабдаба деган “ўқ илдизларини” қуриштишимиз шартлигини айтди. Янада ачинарлиси, бундай дабдабаю аъсабга таниқли шахслар бош-қош бўляпти, одамлар уларга тенглашаман деб, ўзини ўтга-чўкка уряпти.

Биз, атрофдагилар бундай ҳолатларга бепарқ, лоқайд бўлар эканмиз, тараққиётга тўғнақ бўлаётган бу иллатдан халос бўлолмаймиз. Уни бартараф этмас эканмиз, жамият дарахти мева тугиб, гуркураб ўсолмайди. Келажак авлод бу дарахтнинг саховатидан баҳраманд бўлолмайди.

Коррупцияга қарши курашишнинг ташкилий-ҳуқуқий ва молиявий механизмлари такомиллаштирилаётгани, бу жараёнга жамоатчилик ва оммавий ахборот воситалари жалб қилиниши ҳамда коррупциянинг олдини олиш бўйича идораларо ҳамкорлик самарадорлигини оширишга қаратилган саъй-ҳақуқлар, албатта, ўз самарасини беради. Бироқ бу борада ҳуқуқий муҳофаза этувчи идоралар қанчалик ҳаракат қилмасин, халқимиз бу жирканч иллатга мурасасиз бўлмас экан, таъсирчан жамоатчилик назоратини ўрнатмас экан, уни таг-томири билан қурита олмаймиз.

Рустам КАЛАНОВ,
халқ депутатлари Тошкент шаҳар Кенгаши раиси,
Коррупцияга қарши курашиш ҳудудий кенгаши раиси,
сенатор.



ризм глобал сиёсатда қудратли восита сифатида муҳим аҳамиятга эга эканини таъкидлади. Ҳақиқатан, айнан парламентлар халқларни боғловчи, ўзаро тотувлик ва чинакам ҳамжиҳатлиқни ривожлантирувчи кўприк бўлишга қодир. Президентимиз нутқида жаҳон ҳамжамиятини янада ривожлантириш ва сайёрамизда барқарорлиқни таъминлашда муҳим аҳамиятга эга бўлган масалалар кўрсатиб берилди. Бу барча давлатлар сиёсий манфаатларини аниқ эттириши билан бир қаторда, инсоният олдида турган муҳим муаммоларни ҳал қилишга қаратилгани билан аҳамиятли.

Таъкидлаш жоизки, сўнгги ўн йилликларда дунё қатор глобал муаммоларга дуч келди. Жумладан, қуrolли тўқнашувлар, терроризм таҳдидлари, экологик офатлар ва иқтисодий инқироз-

ИЖТИМОЙ АДОЛАТ ВА МУНОСИБ МЕҲНАТ ТАМОЙИЛЛАРИ

Парламентларо Иттифокнинг 150-ассамблеяси доирасидаги тадбирларда “Ижтимоий тараққиёт ва адолат учун парламент ҳаракати” деган умумий мавзую остида камбағаллиқни қисқартириш, муносиб меҳнат, ижтимоий интеграция ва аҳолининг қарорлар қабул қилишдаги иштирокини кенгайтириш каби долзарб масалалар муҳокама этилгани айни мuddаю бўлди. Нега деганда, кейинги йилларда юз бераётган табиий офатлар, кескин тус олаётган иқлим ўзгаришлари, геосиёсий таранглик ва қуrolли моjarолар туфайли дунёнинг турли ҳудудларидаги кўплаб мамлакатларда камбағаллик ва тенгсизлик кучайиб бормоқда.

Фикр

Юзага келган вазият эса аҳоли бандлигини таъминлаш, уларни ҳар томонлама қўллаб-қувватлаш, ижтимоий адолатни таъминлашга қаратилган зарур чораларни белгилаб олиш ва уларни амалга оширишнинг аниқ, самарали механизмларини тубдан такомиллаштиришни тақозо этмоқда. Албатта, бу борадаги мавжуд муаммоларни ҳал қилишда халқаро ҳамкорликни янада кучайтириш, миллий ва минтақавий даражада амалга оширилаётган амалий саъй-ҳаракатларни бирлаштириш, илгор ташаббусларни қўллаб-қувватлаш ҳар қачонгидан ҳам муҳим ҳисобланади.

Тадбирнинг ялиги мажлисларида, иқтисослаштирилган органлар йиги-



лишларида бўлиб ўтган муҳокамалар якунида қабул қилинган ҳужжатларда илгари сурилган илгор ғоялар, ташаббуслар мамлакатлар парламентлари фаолиятини бугун юзага келган ана шундай реал вазиятдан келиб чиққан ҳолда самарали ташкил этиш имконини бериши билан аҳамиятлидир. Бу эса дунёда тинчликни асраш ва тараққиёт даражасини юксалтиришда муҳим роль ўйнайди.

Шуни алоҳида таъкидлаш жоизки, давримизнинг ана шундай ўткир талабларидан келиб чиққан ҳолда мамлакатимизда ушбу соҳада катта ислохотлар амалга оширилаётир. Хусусан, аҳолининг ижтимоий ҳимоясини кучайтириш давлат сиёсатининг энг устувор йўналишларидан бири этиб белгиланди. Янги таҳрирдаги Конституциямизда ижтимоий давлат тамойили мустаҳкамланиб, унинг бу

борадаги мажбуриятлари уч баробар кўпайтирилди. Ушбу принциплар асосида ижтимоий ҳимоянинг мутлақо янги тизими яратилди. Соҳа тубдан ислоҳ қилинди, ижтимоий ёрдамнинг аниқ, максadли ва манзиллилигини таъминлашга қаратилган янги чора-тадбирлар ва механизмлар жорий этилди.

Умуман, айни соҳада кенг қўламли ислохотлар бошланган даврдан бери камбағаллик даражаси деярли уч баробар қисқарди. Асосийси, Ўзбекистон мазкур йўналишдаги амалий саъй-ҳаракатлари билан ижтимоий адолат ва муносиб меҳнат тамойилларини халқаро доирада ҳам дадил илгари суриб келмоқда.

Ўз навбатида, бу борада эришилаётган натижалар халқаро миқёсда ҳам муносиб эътироф этилаётгани бизга фахр-ифтихор бағишлайди. Бироқ бу борада ҳали олдимизда кўплаб вазифалар ҳам борлиги рост. Ушбу тадбир ана шундай устувор масалалар ижроси юзасидан ўзаро фикр алмашиш ва алоқаларни янада кенгайтириш орқали муаммоларга самарали ечим топиш имконини яратгани билан янада аҳамиятли бўлди.

Кутбиддин БУРҲОНОВ,
Олий Мажлис Сенатининг
Мудрофа ва хавфсизлик
масалалари қўмитаси раиси.

БАРҚАРОРЛИК, ИҚТИСОДИЙ РИВОЖЛАНИШ ВА

Бугун Марказий Осиёда интеграция ва барқарор тараққиёт жараёнлари янги босқичга киради. Бундан саккиз йил олдин Ўзбекистонда бошланган янги давр бутун минтақани қамраб олди. Ўзгаришлар нафақат давлатлараро муносабатларда, балки минтақада яшаётган халқлар ҳаётида ҳам ўз аксини топди.

Мушоҳада

Худудий яқинлик — умумий тараққиёт гарови

Аёнки, давлатлар ўртасидаги яқин қўшничилик муносабатлари нафақат икки томонлама манфаатлар, балки умумий минтақавий барқарорлик ва ривожланиш учун ҳам ғоят муҳимдир. Бу вужудга келган бугунги геосиёсий вазият, қуrolли тўқнашувлар, келишмовчиликларнинг аксарияти қўшни давлатлар ўртасида юз бераётгани фонида ҳам жуда зарурлиги билинмоқда.

Давлатимиз раҳбари ташаббуси билан Марказий Осиё Ўзбекистон учун тақши сиёсатининг устувор йўналишига айланди. 2016 йилдаёқ Марказий Осиёдаги яқин қўшнлар билан ҳамкорликни ривожлантириш Ўзбекистон тақши сиёсатининг асосий йўналиши сифатида белгилаб берилди. Бу сиёсий курс минтақавий барқарорлиқни мустаҳкамлаш, иқтисодий ривожланишни ҳаддалаштириш ва умумий муаммоларни биргаликда ҳал қилишга қаратилган қўшниларимизда ҳам катта қизиқиш уйғотди. 2017 йилдан бошлаб эса минтақадаги барча қўшни давлатлар — Қозғоғистон, Қирғиз Республикаси, Тожикистон ва Туркменистон билан сиёсий мулоқот фaоллашди.

2018 йил апрель ойидаги Президент Фармонида ўрта муддатли истиқболда мамлакатимизнинг асосий хорижий шериклар билан тақши сиёсий ва тақши иқтисодий ҳамкорлигини ривожлантиришнинг устувор йўналишлари тасдиқланди. Ушбу ҳужжатда Ўзбекистоннинг давлат чегарасини делимитация ва демаркация қилиш жараёнини узил-кесил нихосияга етказиш тақши сиёсатимизнинг устувор йўналишларидан бири сифатида қайд этилгани билан катта аҳамиятга эга бўлди.

Марказий Осиё давлатлари билан яқинлашувиимиз тақши сиёсатимиздаги конструктив, амалий ва халқлар манфаатига хизмат қилувчи йўналишдир. Бундай ёндашув нафақат че-

лар каби кескин ҳолатлар юз берди. Бундай шароитда барча мамлакат парламентлари тинчлик ва хавфсизлиқни сақлашда фаол иштирок этиши жуда муҳим. Хусусан, дипломатия ва музокаралар халқаро келишмовчиликларни ҳал этишнинг асосий воситасига айланиши керак. Ўзбекистон ҳар қандай зиддият ва қарама-қаршиликларни фақат дипломатия ва тинч музокаралар йўли билан ҳал этишнинг қатъий тарафдори. Президентимиз таъбири билан айтганда, энг оғриқли муаммоларга халқаро ҳуқуқнинг умумэтироф этилган меъёрлари, Бирлашган Миллатлар Ташкилотининг Низоми ва резолюциялари асосида ечим топиш муҳим.

Давлатимиз раҳбари, шунингдек, иқлим ўзгаришларига қарши кураш, камбағаллиқни қисқартириш, гендер тенгликни таъминлаш, инсон ҳақ-ҳуқуқларини ҳимоя қилиш баробарида ёшларнинг ҳаётиятини барча жаҳонда тўлақонли иштирок этиши учун зарур шарт-шароитлар яратиш, шу мақсадда уларнинг ҳуқуқ ва имкониятларини кенгайтириш, парламентлар учун янги авлодни тарбиялаш, бу борада самарали халқаро ҳамкорликни йўлга қўйиш муҳимлиги юзасидан ҳам фикр билдириб, ўз таклиф ва тавсияларини илгари сурди. Парламент-

лараро Иттифок тизими доирасида Ёшлар парламентлари глобал платформасини ташкил этиш ва унинг таъсис форумини Ўзбекистонда ўтказиш таклифи билдирилгани ҳам бежиз эмас. Зеро, ёшлар — эртанги кун эгалари.

Мени қувонтираётган нарса шуки, Президентимиз қайси учрашув ёки тадбир бўлмасин, ёшлар манфаатларини илгари суради. Бугун янги Ўзбекистонда Уйғониш маърифати, Ренессанс машъали кўтарилаётган экан, бу жараёнларни ёшларсиз тасаввур этиб бўлмайди. Зеро, бу ғоялар миллат тафаккуридаги тарқоқликни бартараф этиб, ёшларни иқтисоддорли яратувчи қучга, қудратли тўлқинга айлантиради. Биз бугун ҳаётимизда ана шу тўлқин эпкинларини сезмоқдамиз, унга куч бериш эса ҳар биримизга боғлиқ. Аввало, шуни англаб олишимиз керакики, қайсики давлат юксак тараққиётга эришган бўлса, бу фақат таълимга эътибор, илм-фанни ривожлантириш самарасида содир бўлган ва бунга тарихда мисоллар кўп.

Мана, нима учун Президентимиз куйинапти, дунёнинг манаман деган давлатлари билан таълим, илм-фан соҳасида манфаатли келишувларга эришишга интиляпти.

Оқил САЛИМОВ,
академик.

ДУНЁ ҲАМЖАМИЯТИНИ ЭЗГУЛИККА УНДАГАН НУТҚ

Айни чоғда Президентимиз барқарор ривожланиш, иқлим ўзгариши, озиқ-овқат хавфсизлиги, инсон ҳуқуқлари ва гендер тенглик масалаларига алоҳида тўхталиб ўтди. Таъкидлаш жоизки, глобал муаммоларга бундай кенг қамровли ва конструктив ёндашув Ўзбекистоннинг халқаро майдонда фаол ва масъулятли иштироки эканлигини яна бир бор намоеён этди. Зотан, Тошкент декларацияси моҳиятида ҳам ушбу тамойил мужассам, десак, муболага бўлмайди. Яъни ҳужжатда парламентлар глобал муаммоларга фаол ёндашиб, биргаликда ечим топиш орқали ижтимоий, иқтисодий ва экологик барқарор ривожланишга хизмат қилиши белгиланган.

Шунингдек, нутқда ёшлар масаласига алоҳида урғу берилиб, уларнинг сиёсий, ижтимоий ҳаётдаги фаол иштирокини таъминлаш борасида ҳам истиқболли ташаббуслар илгари сурилди.

Хусусан, миллий парламентлар ҳамда Иттифок фаолиятига ёшларни жалб қилиш, доимий мулоқотни кучайтириш зарурлиги таъкидланди. Аҳамиятлиси, Парламентларо Иттифок тизими доирасида Ёшлар парламентлари глобал платформасини ташкил этиш ва унинг таъсис форумини Ўзбекистонда ўтказиш таклиф қилинди. Бу эса, ўз навбатида, ёш авлоднинг парламент фаолиятидаги иштирокини рағбатлантириш ғояси, глобал миқёсда янги, замонавий ва очик сиёсий маданиятни шакллантиришга хизмат қилиши билан муҳим аҳамият касб этади.

Ўзбекистон Президентининг нутқи дунё ҳамжамиятини мулоқот ва ҳамкорликка, умуминсоний қадриятларни ҳимоя қилишга қаратилгани билан тарихий аҳамиятга эга, десак, айни ҳақиқат. Нутқдаги ҳаётий, аниқ таклиф ва ташаббуслар амалий жиҳатдан халқаро сиёсатга янги ихобий руҳ ва конструктив ёндашув бахш этмоқда.

Соҳибжон ТУРДИЕВ,
Олий Мажлис Сенатининг Аграр, сув ҳўжалиги масалалари ва экология қўмитаси аъзоси.

ГЛОБАЛ ҲАМКОРЛИКНИНГ МУСТАҲКАМ ПЛАТФОРМАСИ

Айниқса, Президентимизнинг давлатларнинг иқлим сиёсати бўйича илгор ташаббусларини қўллаб-қувватлаш, қайта тикланадиган энергия манбалари ва “яшил” технологияларга ўтишни рағбатлантириш парламентларнинг муҳим вазифасига айланса, албатта, салмоқли ютуқларга эришамиз. Иқлим ўзгариши мавзуси ассамблеянинг кун тартибидagi бош масалалардан бири сифатида доимий ўрин олиши керак деган сўзлари тадбир иштирокчилари томонидан яқдиллик билан қўллаб-қувватланди.

Шу нуктаи назардан, Парламентларо Иттифокнинг юбилей ассамблеяси учун Ўзбекистоннинг танлангани амалга оширилаётган демократик ислохотлар, парламентаризмни ривожлантириш йўлидаги саъй-ҳаракатлар самарадорлигининг жаҳон майдонида галдаги яққол тасдиғи бўлди, дейишга асосларимиз бор. Зеро, ушбу анжуман фақат Ўзбекистон эмас, бутун Марказий Осиё учун ғоят аҳамиятли воқеа бўлди. Минтақамизда илк бор ташкил этилган ассамблея мавзунинг “Ижтимоий тараққиёт ва адолат учун парламент ҳаракати” деб белгиланиши Ўзбекистоннинг бугунги сиёсатига тўла мос келади, албатта.

Табиийки, ижтимоий тараққиётни таъминлашда ҳам, адолат тантанасига эришишда ҳам парламент ғоят муҳим ўрин тутади. У қабул қиладиган қарор ва қонунлар, унинг назорат борасидаги қатъий ва изчил амалиёти шу мақсадларга хизмат қилади.

Мазкур нуфузли тадбир Ўзбекистон ва дунё парламентарийлари учун мавзудан ташқари қўллаб масалаларни ҳам ўртага ташлаш, халқаро ҳамжамият кун тартибига қўйиш имконини берди. Айнан шу жиҳати билан ассамблея халқаро миқёсда қўллаб масалаларга ечим топиш учун глобал ҳамкорликнинг залварли платформасига айланди.

Абдушуккур ҲАМЗАЕВ,
Олий Мажлис Қонунчилик палатасининг
Экологик партия фракцияси раҳбари.

салалар ҳам бирор-бир халқаро ташкилотлар ёки воситачилар иштирокида эмас, ўзаро музокаралар орқали дипломатик йўл билан ҳал этиляпти. Қирғиз Республикаси ва Тожикистон ўртасидаги давлат чегарасини делимитация қилиш масаласининг узил-кесил ҳал этилиши фикримизни яққол тасдиқлайди. Бунинг аҳамияти юксак бўлиб, Марказий Осиёда барқарорлик ва хавфсизлиқни таъминлашда ҳал қилувчи қадам ҳисобланади ва минтақа давлатлари манфаатларига хизмат қилади.

Ҳаётда муаммолар тақрорланмаслиги учун чегара масаласи ҳуқуқий жиҳатдан аниқ ҳал этилиши жуда муҳим эди. Шу боис охириги йилларда Қирғизистон ва Тожикистон раҳбариятлари муаммонини ҳал этиш учун жиҳдий сиёсий ирода ҳамда сабр билан музокаралар олиб борди. Натижада 2024 йил охирида давлатлар чегарасининг аксарият қисмида узил-кесил келишувга эришилди ва аниқ чегара белгилари ўрнатили бўйича амалий ишлар бошлаб юборилди. Бу масаланинг тинч дипломатия билан амалга оширилгани таҳсинга сазовор. Чегара масаласининг музокара йўли билан ҳал қилиниши — доншмандлик ва бирдамлик белгиси. Ушбу жараён икки давлат ўртасидаги муносабатларни мустаҳкамлабгина қолмай, балки бутун Марказий Осиёда тинчлик ва ҳамкорлик муҳитини ривожлантиришда муҳим омилга айланди.

Чегара муаммосининг ҳал этилиши, энг аввало, чегараолди ҳудудларда яшовчи аҳоли учун ихобий ўзгаришлар олиб келади. Аввало, хавфсизлик, давлат хизматларидан бемалол фойдаланиш ва иқтисодий фаолиятни эркин амалга ошириш имкониятини яратди. Бу эса халқ турмуш даражасининг юксалишга хизмат қилади. Бундай муаммоларни қуrol билан эмас, ақл, мулоҳаза ва ўзаро ҳурмат билан ҳал қилиш мумкинлиги яна бир бор исботланди.

Манфаатли интеграциянинг натижаси

Марказий Осиё — бу нафақат географик атама, балки ўзаро ишонч ва умумий келажак сари қаратилган саъй-ҳаракатлар майдони. Ўзбекистон эса бу жараёнда фаол ташаббускор ва масъул ҳамкор сифатида ўз ўрнини тобора мустаҳкамлаб борапти.

Сўнгги йилларда Марказий Осиё давлат-

ЎЗБЕКИСТОН ОВОЗИ БАРАЛЛА ЯНГРАДИ

Жумладан, Осиё хотин-қизларининг ижтимоий-иқтисодий, сиёсий-ҳуқуқий ва маданий-гуманитар фаоллигини оширишга қаратилган резолюцияни БМТ Бош Ассамблеясида илгари суриш ташаббусини билдирди. Бу ташаббуснинг ҳаётга татбиқ қилиниши, ўз навбатида, хотин-қизларнинг ижтимоий-сиёсий фаоллигини ошириш, уларнинг давлат ва жамият бошқарувидаги ролини аниқ институционал макомга эга жараён сифатида бундан кейин



ҳам изчил давом эттириш имкониятини беради. Шунингдек, нутқда ёшларнинг парламент фаолияти билан бир

қаторда жамият ҳаётининг барча жабҳасида тўлақонли иштирок этиш учун уларнинг ҳуқуқ ва имкониятларини кенгайтириш ўта долзарб масала, парламентлар учун янги авлодни тарбиялаш, бу борада самарали халқро ҳамкорликни йўлга қўйиш келажагимизнинг муҳим омил экани таъкидланди. Шу боис миллий парламентлар ҳамда Иттифоқ фаолиятига ёшларни фаол жалб қилиб, доимий мулоқотни кучайтириш зарурлиги қайд этилиб, бу борада Парламентларо Иттифоқ тизими

доирасида Ёшлар парламентлари глобал платформасига асос солиш ва унинг таъсис форумини Ўзбекистонда ўтказиш таклиф қилинди. Президентимиз нутқида илгари сурилган экологик муаммолар ва иқлим ўзгариши, шунингдек, сунъий интеллект соҳасида муҳим меъёрларни белгилаш, камбағалликка қарши курашда самарали ҳамкорлик механизмларини шакллантириш каби умумбашарий, ўта долзарб масалаларга оид таклифлар анжуман иштирокчилари томонидан қўллаб-қувватланди.

Албатта, бугунги таҳликали замонда парламентларнинг халқро ҳамкорликдаги фаолияти нафақат миллий, балки глобал даражадаги ижтимоий тараққиёт ва адолатни таъминлашда муҳим аҳамият касб этади. Айни анжуман халқро эътироф ҳисобланиб, глобал сиёсий жараёнларда Ўзбекистон овозининг тобора баралла янграётганидан далолатдир.

Робохон МАҲМУДОВА,
Олий Мажлис Қонунчилик палатасидаги «Адолат» СДП фракцияси раҳбари.

ҲАМЮРТИМИЗ ЯПОНИЯ ИМПЕРАТОРИНИНГ ОРДЕНИ БИЛАН ТАҚДИРЛАНДИ



Пойтахтимиздаги Япониянинг Ўзбекистондаги элчиси қароргоҳида Ўзбекистон Бадиий Академияси тизимидаги Икуо Хираяма халқро маданият қарвонсаройи директори Фаррух Усмоновга Япония императорининг “Чиқайтган қуёш, олтин ва қумуш нурлари” орденини тантанали топириш маросими бўлиб ўтди.

Рағбат

Орденни Япониянинг Ўзбекистондаги Фавқуллода ва мухтор элчиси Хатори Такаши топишди.

Маълумот учун айтиш жоизки, мазкур орден юксак даражадаги мукофот бўлиб, унга ўз соҳасида юқори натижаларга эришган шахсларга муносиб топилади. Тадбирда сўзга чиққан

элчи Хатори Такаши император ордени Ф. Усмоновга ўтган йиллар давомида Ўзбекистонда япон маданиятини оммалаштириш ва икки давлат ўртасидаги маданий аламининг ҳамда ижодий ҳамкорликни ривожлантиришга қўшган катта ҳиссасининг эътирофи сифатида берилганини қайд этди.

Абдували СОЙБНАЗАРОВ
(«Халқ сўзи»).

Таълим

ЎЗБЕК ТАЛАБАЛАРИНИНГ «АМЕРИКА ОРЗУСИ» УШАЛМОҚДА

Бугунги глобаллашув ва технологик тараққиёт шароитида дунё давлатлари илгор олий таълим стратегияларини шакллантиришга алоҳида эътибор қаратмоқда.



Мазкур жараёнда Ўзбекистон Олий таълим, фан ва инновациялар вазирлиги ҳам халқро миқёсда рақобатбардош, билимли ҳамда юқори малакали кадрларга эҳтиёж сезилётган замонавий касблар бўйича таълим тизимини такомиллаштириш йўлидан бормоқда. Мамлакатимизнинг етакчи олий таълим муассасалари, хусусан, Халқро Нордик университети томонидан АҚШ сингари ривожланган давлатлар билан ўрнатилаётган самарали ҳамкорлик бу йўлдаги муҳим ва масъулиятли қадамлардир.

Биламизки, АҚШ олий таълим тизими амалий тадқиқот, инновацион ёндашув ва замонавий технологияларни ўзида мужассамлаган модель сифатида эътироф этилади. Шу боис Халқро Нордик университети жамоаси ушбу мамлакат етакчи олийгоҳлари — Рован ва Лоуренс университетлари билан самарали алоқаларни йўлга қўйган. Ушбу стратегик ҳамкорлик нафақат таъриба, балки профессор-ўқитувчи ва талабалар алмашинуви орқали таълим сифатини глобал даражага кўтаришга хизмат қилмоқда.

Хусусан, яқинда университетларимиз ҳамкорлиги натижасида олий таълим муассасасининг “Маълумотлар илми” магистратура мутахассислигининг уч нафар талабасига ўқишининг 2-семестрини Америкада давом эттириш имконияти яратилди. Ёшларимиз бир асрга қим таълим таърибасига эга Лоуренс университетининг етакчи талабалари сафидан ҳол оиди. Бу улар учун нафақат янги билимлар олиш, балки халқро таъриба, янги тафаккур ва технологик кўникмаларни эгаллашга хизмат қиладиган улкан майдон вази-фасини ўташига шубҳа йўқ.

Қайд этиш жоизки, Лоуренс таълим даргоҳи ҳозирда минтақавий университетлар орасидаги рейтингда 54-ўринини эгаллаб турибди, шунингдек, АҚШдаги технологик ривожланган 13 та университетдан бири ҳисобланади.

Ўзбекистонлик талабаларнинг университети жамоаси томонидан илик кўтиб олингани эътиборга молик. Ўша кунёқ таълим даргоҳи президенти, танкили олим, доктор Тарек М. Собб талабаларимиз билан учрашди. Мулоқот самимий ва кўтаринки руҳда ўтди. Олийгоҳ раҳбари талабаларни ушбу таълим муассасасининг ўзига хослиги, янги инновацион таълим дастурлари ва имкониятлари билан таништирди. Америкада ўқиш ҳамда муваффақиятга эришишда зарур амалий тавсиялар берди.

Муҳими, нуфузли олийгоҳда бугун талабаларимиз билимга чанқоқлиги ва фаоллиги билан ажралиб турибди, илмий ҳамда ижодий ютуқлари билан профессор-ўқитувчилар эътиборини қозонмоқда. Хусусан, яқинда талабамиз Музаамилхон Мурадulloев кичик гуруҳ лойиҳа менежери сифатида энг яхши тақдироти учун профессор Вистор Аллен томонидан эътироф этилди. Профессор унга етакчилар учун лойиҳаларни бошқариш бўйича ўзининг янги қўлланмачини совға қилди.

Асосийси, ҳамкорлик фақат таълим билан чекланиб қолаётгани йўқ. Масалан, қуни кеча Лоуренс университетида илк бор Наврўз байрами нишонланди. Ўзбекистон Олий таълим, фан ва инновациялар вазирлиги ҳамда Халқро Нордик университети ҳамкорлигида ташкил этилган ушбу анжуман турли миллат вакиллари билан бирлаштириб, ўзбекиона кадрияларнинг дунёга намойиш қилиш имконини яратгани билан ҳам аҳамиятли бўлди.

Олий ўқув юртида таълим олаётган талабаларимиз томонидан ўтказилган байрам тадбирида турли давлат ва миллат вакиллари жамланди. Тадбир давомида ўзбекиона урфодатлар, миллий таом ва либослар, қуй-қўшқиларимиз орқали халқимиз маданияти тарғиб қилинди. Катнашчиларга меҳмондўстлик анъанамизга мувофиқ бетақтор ноз-неъматларимиз, меҳр ва ҳушқайфият, завқу шавқ улашилди.

Халқро Нордик университети бугун халқро миқёсда илмий авлодни шакллантиришга хизмат қилаётган майдонга айланмоқда ва ҳамиша бу йўлда собитқадамлик билан давом этади.

Шерзод МУСТАҒОҚУЛОВ,
Халқро Нордик университети ректори, профессор.

ДЕМОКРАТИК ИСЛОҲОТЛАРИМИЗНИНГ ХАЛҚРО МАЙДОНДАГИ ЭЪТИРОФИ

Парламентларо Иттифоқ 150-йубилей ассамблеясининг Ўзбекистонда ўтказилгани янги имкониятлар зигилини очди. Айтиш мумкинки, бу аввало, мамлакатимизда амалга оширилаётган очик, инклюзив ва халқпарвар сиёсатга бўлган халқро ҳамжамиятнинг юксак ишончини аниқлади.

“Ижтимоий тараққиёт ва адолат учун парламент ҳаракати” умумий мавзусида уюштирилган тадбир бугунги кунда долзарб бўлган қашшоқликни тугатиш, муносиб меҳнатни рағбатлантириш, ижтимоий инклюзияни таъминлаш ва камситилган гуруҳларни қарор қабул қилиш жараёниларига жалб этиш каби масалалар муҳокамасига бағишланди.

Шу билан бирга, тараққиётнинг инклюзив моделлари, адолатли жамият барпо қилишда парламентларнинг ролини кучайтириш мақсадида 90 дан ортиқ тематик сессиялар ташкил этилди. Анжуман доирасида бўлиб ўтган сессия ва давра суҳбатларида эса хорижий давлатларнинг парламент амалиёти, жамоатчилик билан мулоқот, парламент назорати инструментлари бўйича илгор таърибалар ўрганилди. Бу таъриба Ўзбекистон парламентида амалга оширилаётган ислохотларга услубий асос бўлиб хизмат қилади.

Шунингдек, ассамблея доирасидаги келишувлар парламентларо дўстлик гуруҳлари фаолиятини такомиллаштиришда ҳам муҳим ўрин тутди. Боиси Ўзбекистон парламенти қатор давлатлар билан икки томонлама меморандумлар имзолади. Парламентда қонун ижодкорлиги, гендер сиёсати, рақамлаштириш бўйича қўшма ишчи гуруҳлар тузишга келишилди.

Эътиборли жиҳати, ушбу сессияларда муҳокама қилинган масалалар ва эришилган келишувлар “Ўзбекистон — 2030” стратегиясидаги мақсад ва вазифаларимизга ҳамохандир. Бу эса 150-йубилей ассамблея доирасида эришилган келишувларни қисқа вақт ичида парламентимиз фаолияти ва ҳаётимизга татбиқ этиш имконини беради.

Давлатимиз раҳбари мазкур анжуманнинг муҳим жиҳатларига тўхталиб, ташкилот аъзолари халқларни бир-бирига бовловчи мустаҳкам дўстлик қўприғи бўлиб, халқро тинчлик ва ҳавфсизликни таъминлашда парламентларнинг роли алоҳида эканини таъкидлади.



ралар йўли билан ҳал этишнинг қатъий тарафдори экани; иқлим муаммоларига биргаликда қарши курашиш; хотин-қизлар ҳуқуқларини ҳимоя қилиш, ёшларнинг парламент фаолияти билан бир қаторда жамият ҳаётининг барча жабҳасида тўлақонли иштирок этиши учун уларнинг ҳуқуқ ва имкониятларини кенгайтириш; ҳар бир инсоннинг ижтимоий ҳимояга бўлган ҳуқуқларини таъминлаш ҳамда сунъий интеллект соҳасида тизимли ҳамкорликни кучайтириш.

Сир эмас, сўнгги йилларда дунёнинг турли минтақаларида қуролини тўқнашувлар, экологик ва техноген фожиалар, иқтисодий инқирозлар, “савдо урушлари”, терроризм ва экстремизм таҳдидлари тобора кучайиб бормоқда. Бундай ўта мураккаб шароитда жаҳонда тинчликни сақлаш, ижтимоий тараққиёт ва адолатни таъминлашда парламентлар иштироки ва таъсирини оширишни замоннинг ўзи талаб этмоқда. Шу боис ушбу ассамблеяни дунё халқлари тараққиёти йўлидаги муҳим қадам бўлди деб аташ мумкин.

Умуман, бу анжуман Ўзбекистоннинг демократик ислохотларини халқро майдонда мустаҳкамлаб, парламент фаолиятида очиклик, шафқдорлик ва жамоатчилик иштирокини янада кучайтиришга хизмат қилиши билан аҳамиятлидир.

Мавлуда АДҲАМЖОНОВА,
Олий Мажлис Қонунчилик палатаси депутаты.

ИНСОН ҲАВФСИЗЛИГИ БОРАСИДА КАТТА ИМКОНИЯТ

лари ўртасидаги ҳамкорлик ва интеграция жараёнилари янги босқичга кўтарилди. Интеграция нафақат сиёсий ва иқтисодий, балки гуманитар, маданий, экология ва ҳавфсизлик соҳаларида ҳам амалий мазмун касб этмоқда. Минтақадаги интеграция нафақат таъриба таҳдидларга қарши биргаликда жавоб бериш, балки кенг иқтисодий салохиятни рўёбга чиқариш, халқлар ўртасидаги ҳамжиҳатликни таъминлаш имкониятини яратяпти.

Шу ўринда айтиш керакки, Ўзбекистон қўшнлар билан аввалги йилларда баҳсли бўлиб келган сув-энергетика масалаларида ҳам ҳамкорликка тайёр эканини намоян этмоқда. Мисол сифатида Тожикистон билан “Роғун” ГЭСи бўйича мулоқот қайта тиклангани, Ўзбекистон, Қозоғистон ва Қирғизистон ўртасида сув ресурсларидан самарали фойдаланиш бўйича уч томонлама келишувга эришилганини келтириб ўтиш мумкин.

Марказий Осиё халқларининг тарихи, тили ва маданияти муштарак. Қўшнларимиз билан маданий алмашинув, таълим соҳасида стипендиялар ва қўшма дастурлар кенгайиб борапти. Жумладан, Ўзбекистон, Қозоғистон, Тожикистон ва Қирғизистон олий таълим муассасалари ўртасида қўллаб-қувватловчи шартномалари имзоланиб, муваффақиятли амалга оширилляпти. “Ипак йўли” маданий меросини сақлаш ва ривожлантириш соҳасида қўшма лойиҳалар рўёбга чиқариляпти.

Савдо алоқаларини рағбатлантириш учун чегараолди савдо ҳудудлари ташкил этиш, қўшма инвестиция жамғармалари фаолиятини жонлантириш, транспорт йўлакларини ривожлантириш орқали жаҳон бозорларига чиқиш имкониятларини кенгайтириш, йирик инфратузилма ва саноат лойиҳаларини амалга ошириш, табиий ва сув ресурсларидан оқилона фойдаланиш, иқтисодиёт учун “яшил” энергетика улушини ошириш интеграциялашувнинг бугуни ва эртаси учун устувор йўналиш сифатида белгилан олган.

Ўзбекистон бу борада учта устувор йўналиш — минтақавий ҳавфсизликни мустаҳкамлаш, иқтисодий интеграцияни қучуллаштириш ва экологик барқарорликни таъминлашга катта эътибор қаратмоқда.

Ҳамдўстлигимиз ва бирдамлигимиз олдимизда турган умумий глобал масалаларни ҳал қилишда муносиб ечимлар тақдим этади. Минтақамизнинг географик жойлашуви ташқи сав-

до юқларини ташиш харажатларни улуши товар яқунли қийматининг 50 фоизига етишини тақозо қилмоқда. Самарали транспорт йўлакларини ривожлантириш бўйича комплекс чора-тадбирларни амалга оширишга киришилгани Европа Иттифоқи, Хитой, Жанубий ва Жануби-Шарқий Осиё ҳамда Яқин Шарқ бозорларига чиқишда бир қатор енгилликларни тақдим этади.

Умумий майдони 3 994 000 квадрат километри ташкил қилса-да, Марказий Осиё мамлакатлари Каспий денгизини ҳисобга олмаса, бошқа катта сув ҳавзаларига фақат ўзга давлатлар ҳудуди орқали чиқади. Шу боис ўзаро транспорт логистикасини ривожлантириш катта зарурат ҳисобланади. Транспорт ва транзит тўғрисидаги битимни қабул қилиш бўйича Ўзбекистон таклифининг минтақа давлатлари етакчилари томонидан қўллаб-қувватлангани келажакка қўйилган катта қадам бўлди, деб ҳисоблаш мумкин. Бу йўналишдаги ҳамкорликнинг муваффақиятли ижроси умумий ЯИМ маҳсулоти 500 млрд. АҚШ доллари бўлган кўрсаткиччи қаррасига оширишга катта туртки ҳам беради.

Энг муҳими, минтақа давлатларининг ҳар бир соҳада ўзаро бир-бирини қўллаб-қувватловчи йўлга қўйилиши айни дамда долзарб бўлиб турган меҳнат миграцияси масалаларида ҳам ижобий ечимлар олиб келади. Миллионлаб фуқаролар учун асосий даромад манбаларини барпо қилишга ёрдам беради. Жаҳон банки маълумотларига эътибор қаратадиган бўлсак, 2024 йил ҳолатига меҳнат муҳожирларининг пул ўтказмалари Тожикистон ЯИМнинг 45 фоизини ташкил этган. Қирғизистонда пул ўтказмаларининг ЯИМдаги улуши 24 фоизга, Ўзбекистонда эса 14 фоизга тенг. Ушбу рақамлар ҳам кўрсатадиги, йўналишда амалга оширилиши лозим бўлган ишлар қўлама жуда кенг. Таълим ва илм-фан билан инсон ресурсларини ривожлантириш орқали янги имкониятларни ишга тушириш мумкин. Натижада чукр билимга эга фуқаролар ўз бизнесини яратиш ёки хориждаги меҳнат фаолияти орқали ўз даромадларини ошириш имконига эга бўлади.

“Яшил” ривожланиш ва “тоза энергия” маркази сари

Минтақа давлатларининг интеграциялашувидаги яна бир муҳим йўналишлардан бири,

Норма ижодкорлиги:

ХАЛҚЧИЛЛИК ВА ЗАМОНАВИЙ ЁНДАШУВ — УСТУВОР МАҚСАД



Лойиҳа биринчи ўқишда қабул қилинаётганида, қоида тариқасида қонунчилик ташаббуси ҳуқуқий субъекти ёки унинг вакили маъруза билан чиқиши ва ҳимоя қилиши кўзда тутилди. Қонун ҳужжатларига ўзгартириш ва қўшимчалар киритишни назарда тутувчи лойиҳаларнинг шакли ҳамда уларни расмийлаштириш тартиби такомиллаштирилди.

“Норма ижодкорлиги фаолиятини такомиллаштириш концепциясини тасдиқлаш тўғрисида”ги Президент Фармони норма ижодкорлиги фаолиятига замонавий ёндашув ва янгича мазмун-моҳият олиб кирди. Тўғридан-тўғри амалда қўлланувчи қонунларни қабул қилишнинг янги, демократик шакллари жорий этиш, лойиҳаларни кенг жамоатчилик вакиллари ва экспертлар доирасида муҳокамалардан ўтказиш, шунингдек, уларнинг халқро шартнома ва рейтингларга мослигини ўрганишга устувор аҳамият берилди.

Янги таҳрирдаги Конституцияга мувовиқ қонунчилик таклифи институти жорий қилинди. Унга кўра сайлов ҳуқуқига эга бўлган, юз минг нафардан кам бўлганлар фуқаролар, Сенат, Олий Мажлиснинг Инсон ҳуқуқлари бўйича вакили (омбудсман) Марказий сайлов комис-

сиясига қонунчилик таклифларини қонунчилик ташаббуси тартибида палатага киритиш ҳуқуқи берилди.

Семинарда қонун ижодкорлиги фаолиятида амалга оширилган ишлар билан бирга, айрим масалаларга ҳам алоҳида эътибор қаратилди. Жумладан, турли соҳадаги ижтимоий муносабатларни тарқоқ ҳолда тартибга солиш каби салбий амалиётнинг давом этиши ҳуқуқни қўллашда турлича таққин қилиш ва мураккаблиқлар юзга келишига сабаб бўлаётгани қайд этилди.

Қонун лойиҳаларини Қонунчилик палатасига киритишда уларнинг концепциясида белгиланган мақсад ва вазифаларга мос бўлишини таъминлаш, ижтимоий муносабатларни тартибга солишдан қўзланган натижага эришиш бўйича таъсирчан чораларни кўриш зарурлиги таъкидланди.

Семинар давомида қонун лойиҳаларини тайёрлаш ва уни палатага киритишда тизимли муаммо ва камчиликларнинг олдини олиш, тегишли вазирлик ва идоралар масъул ходимларини лойиҳаларни сифатли тайёрлаш бораидаги билим, малака ва кўникмаларини ошириш, қонун ижодкорлиги жараёнида Қонунчилик палатаси билан ҳамкорликни мустаҳкамлаш бўйича фикр алмашилди.

Тадбир доирасида кун тартибидаги масалалар секцияларга бўлинган ҳолда ҳам қўзгин муҳокама қилинди.

Яқунда иштирокчиларга қонун лойиҳаларини тайёрлашда тегишли ижтимоий муносабатларни ҳуқуқий тартибга солиш, қонунчиликнинг қўлланилиш амалиётини, олим ва экспертларнинг фикрлари ҳамда халқро таърибани ўрганиш бораида қатор таклиф, тавсиялар берилди.

«Халқ сўзи».

Иқлим ўзгариши, чўлланиш ва сув танқислиги Марказий Осиёда умумий экологик хавфлардир. Бу борада давлатлар Орол денгизи атрофидаги экологик обатни барқарорлаштириш учун қўшма экологийлар амалга оширмоқда. Сув ресурсларидан оқилона фойдаланиш мақсадида механизмлар ва квоталар жорий этиляпти. Марказий Осиё иқлим форуми, Тошкентдаги иқлим конференцияси, “Яшил макон” умумимиллий лойиҳаси каби платформалар орқали мулоқот ва таъриба алмашинувини кучайтирмоқда.

Марказий Осиё мамлакатлари “яшил” иқтисодиётини нафақат экологик барқарорлик, балки иқтисодий ўсиш ва янги иш ўринлари яратиш учун стратегик восита сифатида қабул қилмоқда. Табиий ресурсларга бойлиқ, қуёш ва шамол энергияси салохияти, ёш аҳоли улушининг юқорилиги бу йўналишдаги асосий устуликлардир.

Келгусида минтақанинг тоза энергия марказига айланиши фақат ички тараққиёт учун эмас, балки глобал иқлим ҳимоясидаги улушани ошириш нуктаи назаридан ҳам жаҳон аҳамиятига эга бўлади.

Марказий Осиёда давлат чегараларининг узил-кесил делимитация қилиниши — шунчаки сиёсий келишув эмас, балки минтақавий барқарорлик, иқтисодий ривож ва инсон ҳавфсизлиги учун катта имкониятидир. Бу жараён тинчлик дипломатиясининг, дўстлик сийасатининг ва давлатлар ўртасидаги ишонч муҳитининг ҳақиқий самарасидир.

Ўзбекистоннинг Марказий Осиё билан муносабатлари нафақат дўстона, балки ўзаро манфаатли ва барқарор ривожга йўналтирилган. Бу сиёсат нафақат минтақада тинчлик ва барқарорликни таъминлаш, балки умумий иқтисодий ва инсонпарвар тараққиётга замин яратишда ҳам муҳим омил ҳисобланади.

Нодир ЖУМАЕВ,
Олий Мажлис Қонунчилик палатасининг Фан, таълим, маданият, спорт ва ёшлар масалалари қўмитаси раиси, иқтисодиёт фанлари доктори, профессор,
Одилжон ИМИНОВ,
Олий Мажлис Қонунчилик палатасининг Фан, таълим, маданият, спорт ва ёшлар масалалари қўмитаси раиси ўринбосари, иқтисодиёт фанлари доктори, профессор.



Хеч бир соҳани ўзининг ҳуқуқий асосларини мустаҳкамламай туриб ривожлантириб бўлмайди. Жумладан, туризм йўналиши ҳам. Шу маънода, Президентимизнинг 2016 йил 2 декабрдаги “Ўзбекистон Республикасининг туризм соҳасини жадвал ривожлантириши таъминлаш чора-тадбирлари тўғрисида”ги Фармони тарихий аҳамиятга эга бўлиб, иқтисодиётда илк мартаба туризм соҳасига стратегик сектор мақоми берилди. Натижада юртимизда туризмнинг хорижий ҳамда ички туристларга хизмат кўрсатувчи ёндош соҳалари ва тармоқларининг ҳам ривожланишига олиб келди.

Чунки бу соҳага стратегик тармоқ макominiнг берилиши билан уни иқтисодиётнинг етакчи кучига айлантириш, иқтисодиётни таркибий ўзгартириш ҳамда диверсификациялаш, иш билан бандлиқни таъминлаш, аҳолининг турмуш даражаси ва сифатини оширишга жиддий эътибор қаратилди.

Муваффақиятни таъминловчи муҳим омил

Ҳар қандай соҳани ривожлантириш учун, аввало, малакали кадрларга эҳтиёж сезилади. Бу табиий ҳолат. Шу боис юртимизда масаланинг ушбу жиҳатлари ҳам алоҳида назоратда.

Таъкидлаш жоизки, туризм бошқа соҳалардан фарқли ўлароқ амалиёт билан кенг уйғунлиқни талаб этади, тайёрланаётган мутахассис фақатгина назарий билимлар билан чекланиб қолмасдан, балки амалий кўникмаларни ҳам ўзлаштириши керак.

Давлатимиз раҳбарининг 2023 йил 26 апрелдаги “Республиканинг туризм салоҳиятини жадвал ривожлантириш ҳамда маҳаллий ва хорижий туристлар сонини янада оширишга доир қўшимча чора-тадбирлар тўғрисида”ги қарори бу борада муҳим дастурламал бўлди. Унга биноан, амалиётда илмийлиқни ошириш, амалиётнинг назария билан интеграциясини йўлга қўйиш мақсадида мамлакатимиздаги 11 та олий таълим муассасаси вилоятлар ва 31 та туман ҳокими билан биргаликда ушбу туманлар ҳамда улардаги 143 та туризм маҳалласининг тарихи, ёдгорликлари ва туристик объектлари контентини яратиш, улар асосида камиди 12 та тилда туризм пакетларини ишлаб чиқиши, туризм, иқтисодиёт, тарих, география, сервис, хорижий тиллар йўналишларида ўқиётган талабалар камиди 2 ойлик амалиётини ушбу ҳудудларда ташкил қилиши, туризм ҳамда сервис объектлари ишчиларини ўқитиб бериши белгиланган эди.

Ушбу вазифалар ижроси доирасида Тошкент давлат иқтисодиёт университетида бириктирилган Қорақалпоғистон Республикасининг Тахтакўпир, Хўжайли, Эллиқалъа туманларида университетнинг профессор-ўқитувчилари, илмий тадқиқотчилари ва иқтидорли талабалари томонидан туризм соҳасини ривожлантириш мақсадида амалиёт вакиллари билан биргаликда кенг қамровли изланишлар олиб боришмоқда.

Шунингдек, университетда иқтисодиёт, маркетинг, туризм, меҳмонхона хўжалигини ташкил қилиш ва бошқариш йўналишларида таълим олаётган талабаларнинг малакавий амалиётларини ушбу туманлардаги туризм ҳамда маданий мерос объектларида ўтказиш жараёнлари ташкил этилаётди. Қорақалпоғистондаги мактаблар ва касбхона муассасаларида туризм салоҳиятини кенг тарғиб қилиш, келажак авлод онгини ижобий шакллантириш мақсадида давра суҳбатлари ҳамда тадбирлар уюштирилипти.

Бириктирилган туманлардаги сайёҳлик объектларининг тизимли таҳлили ўтказилиб, янги контентлар яратишга эътибор қара-

тилмоқда. Худуддаги туризм объектлари, тарихий-маданий ёдгорликлар, туристик маршрутлар, жойлаштириш воситалари ҳамда умумий овқатланиш шохобчалари тўғрисидаги маълумотлар янада бойитилиб, хорижий тилларга таржима қилинмоқда, улар тўғрисида ахборот берувчи ва турли хизматларни жамлаган мобиль иловалар ҳамда платформалар яратилапти. Ушбу туманларга сайёҳларни кенг жалб этиш ва уларни худудда узоқ мuddат мобайнида олиб қолиш мақсадида маҳаллий туризм ташкилотлари билан ҳамкорликда жозибадор ҳамда қизиқарли бўлган туризм пакетлари ишлаб чиқилмоқда.

Шугина эмас, Қорақалпоғистоннинг туризм салоҳиятини ошириш, хорижлик ва маҳаллий сайёҳларни жалб қилиш мақсадида 2023 йилдан буён Эллиқалъа туманида Тошкент давлат иқтисодиёт университети томонидан маҳаллий ҳокимликлар ва ҳамкор ташкилотлар билан биргаликда “Янги Ўзбекистонни биргаликда курамиш!” шиори остида “Сахро садоси”, Хўжайлида “Миздахон — муқаддас ва сирли маскан”, Тахтакўпирда эса “Орол балиқларида 99 тур таомлар” каби фестиваллар ҳам ўтказилиб келинмоқда. Уларда кўплаб маҳаллий ва хорижлик сайёҳларнинг иштироки таъминланаётгани эътиборга молик.

Мазкур туманларда фаолият олиб борувчи гид-таржимон ҳамда экскурсия етакчилари учун туристларга сифатли хизмат кўрсатиш борасидаги ишлар ҳам тизимли амалга ошириляпти. Хусусан, туристларнинг олдида ўзини тутиши, нутқи ва кийиниш маданияти, туризм объектлари тўғрисидаги етарли маълумотларни билиши ҳамда уларни сайёҳларга етказиши, зиёрат одоби, тарихий объектларда экскурсия олиб бориш-



ўқув курсларининг ўқув режалари ҳамда дастурлари тайёрланди. Бу асосда Тахтакўпир, Хўжайли ва Эллиқалъа туманларидаги туризм ва сервис ходимларининг малакасини ошириш, маҳаллий аҳолини туризм соҳасига жалб қилиш ҳамда уларнинг бандлигини таъминлаш мақсадида семинар-тренинглار йўлга қўйилди.

Маркетинг тадқиқотларининг фойдаси

Профессор-ўқитувчилар ҳамда тадқиқотчиларимиз томонидан юқорида қайд этилган туманларда туризм соҳасини ривожлантириш мақсадида маркетинг тадқиқотлари олиб боришмоқда.

Натижада туризм соҳаси ривожланишига таъсир қилувчи бир қатор камчиликлар аниқланди. Хусусан, ушбу туманлардаги 21 та туристик объект мавжуд сайёҳлик йўналишларига киритилмаган. Эллиқалъа туманида экологик, агро, ов ҳамда соҳил туризми, археологик туризм, Тахтакўпирда соғломлаштириш туризми, Хўжайлида зиёрат туризми имкониятларидан етарлича фойдаланилмаётган. Худудларнинг сайёҳлик салоҳияти жаҳон ахборот тармоқларида деярли тарғибот қилинмаган.



Хорижлик сайёҳлар сони ошмоқда

Кейинги йилларда мамлакатимизда туризм соҳасини ривожлантириш бўйича муайян ишлар бажарилди. Хусусан:

■ хорижий давлатлардан ташриф буюрувчилар учун виза режими соддалаштирилди. Айни пайтда **93 та** хорижий давлат фуқаролари учун визасиз кириш, **56 та** давлат учун электрон кириш визаси, **47 та** давлат учун беш кунлик транзит визасиз кириш тартиби белгиланди;

■ Ўзбекистонга ташриф буюрган хорижий туристлар сони 2017 йилда

2,7 млн. нафар эди, 2022 йилда **5,2 млн.**, 2023 йилда **6,6 млн.**, 2024 йил давомида **10,2 млн.** нафар (ўтган йилнинг мос даври билан солиштирганда 1,5 баробарга ошган) бўлган;

■ туристларнинг юртимизда ўртача қолиши **7-8 кун**ни ташкил этиб, ўтган давр (2-3 кун)дагига нисбатан **3 баравар** ортган.

Шунингдек, ҳар бир хорижий туристнинг республика ҳудудидида бевосита саёҳат харажатларидан ташқари сарфлайдиган ўртача маблаг суммаси 2017 йилда **197 АҚШ** долларини ташкил қилган бўлса, бу кўрсаткич 2024 йилда **430 АҚШ** долларига етди ва туризм экспортни ҳажми 2024 йилда **3,5 млрд.** доллар бўлди (2017 йилда **531 млн.** доллар эди).

нинг услубий асослари, диний масканларда экскурсия ўтказиш техникаси, услублари ва тарбиявий аҳамияти борасида батафсил маълумотлар берадиган қўлланмалар ишлаб чиқилди.

Шунингдек, олий таълим муассасамиз профессор-ўқитувчилари томонидан туризм ва хизмат кўрсатиш бўйича қисқа муддатли

Мазкур туманларда гид-экскурсоводлар етишмаслиги сабабли саёҳатчиларга сифатли хизматлар кўрсатиш имконияти паст даражада, мавжуд туристик объектлар атрофида туризм инфратузилмаси (санитария-гигиена шохобчалари, Wi-Fi зоналар, йўл кўрсаткичлар) қониқарли даражада эмаслиги аниқланиб, масъуллар билан бу

борада амалий ишлар олиб бориляпти. Бундан ташқари, соҳага илмий тадқиқотларни кенг жалб қилиш мақсадида Туризм қўмитаси, унинг тизим ташкилотлари билан ҳамкорликда Эллиқалъа, Хўжайли ва Тахтакўпир туманларида соҳа бўйича энг муаммоли бўлган илмий тадқиқотларнинг намунавий мавзулари рўйхати шакллантирилди. Профессор-ўқитувчилар ҳамда изланувчилар томонидан ушбу мавзулар бўйича тадқиқот ишлари олиб борилаётди. Хусусан, Қорақалпоғистон Республикаси туризм бошқармаси, туман ҳокимликлари билан ҳамкорликда илмий лойиҳалар (грантлар) танлови ўтказиб келиняпти.

Вазифалар кўлами кенг

Тошкент давлат иқтисодиёт университетида туризм соҳасида кадрлар тайёрлаш, таълим сифатини ошириш, амалиёт билан интеграцияни йўлга қўйиш мақсадида таълим сиёсати ишлаб чиқилган.

Давлатимиз раҳбарининг 2024 йил 7 февралдаги “Иқтисодиёт соҳалари учун кадрлар тайёрлаш тизимини тубдан такомиллаштириш чора-тадбирлари тўғрисида”ги ҳамда 2024 йил 18 июлдаги “Туризм соҳасида кадрлар тайёрлаш тизимини такомиллаштириш чора-тадбирлари тўғрисида”ги қарорларида назария билан амалиёт ўрта-сида интеграцияни йўлга қўйиш, йирик хўжайли бирлашмалари билан ҳамкорликда мутахассис тайёрловчи кафедраларнинг филиални ташкил этиш ҳамда амалий машғулотлар ва малакавий амалиётларга корхона ҳамда ташкилотларнинг етук мутахассисларини жалб қилиш вазифаси қўйилган.

Шу мақсадда Туризм қўмитаси ҳамда Тошкент давлат иқтисодиёт университети ўртасида ҳамкорлик меморандуми имзоланди. Унга асосан Туризм қўмитасида университетнинг Туризм ва меҳмонхона бизнеси кафедраси филиали ташкил қилинди, маърузалар ҳамда амалий дарслар соҳа мутахассислари томонидан олиб боришмоқда. Докторант ҳамда мустақил изланувчиларни илмий тадқиқот ишларининг муҳокамаси ва диссертация ишлари ҳимояси ушбу қўмитада очилган филиалда амалга оширилмоқда.

Туризм ва меҳмонхона йўналиши бўйича ўқув режалари ҳамда дастурларни иш берувчилар билан келишиш тизими йўлга қўйилди. Дуал таълим асосида Туризм ҳамда меҳмонхона бизнеси кафедрасида дарс бериш учун амалиёт бўйича 8 нафар профессор-ўқитувчи жалб қилиниб, дарслар, асосан амалиёт базаларида олиб борилаётди. Соҳадаги янгиликлар, меъёрий-ҳуқуқий ҳужжатлардаги ўзгаришлар билан таништириб бориш мақсадида ҳар ойда бир марта туризм ва меҳмонхона бизнесидаги етук амалиётчи мутахассислар томонидан профессор-ўқитувчилар, талабалар учун семинар-тренинглар ҳамда маҳорат дарслари ўтиш тизими йўлга қўйилди.

Умуман, туризм соҳасида малакали кадрларни тайёрлаш, мижозлар талабини қаноатлантирадиган ҳамда хорижий мамлакатларнинг таълим муассасалари билан рақобатлаша оладиган, билимли кадрларни етиштириш келажақда соҳани ривожлантириш, хорижий сайёҳларнинг мамлакатимизга ташрифи ошиши барпо этилаётган янги Ўзбекистоннинг келажаги ёрқин бўлишига хизмат қилади.

Тўлқин ТЕШАБОВ,
Тошкент давлат иқтисодиёт университети ректори, иқтисодиёт фанлари доктори, профессор.

РЕКЛАМА

«Coca-Cola Ichimligi Uzbekistan, LTD» MCHJ XK

foydalanilgan transport vositalari ochiq savdoga qo'yilganini ma'lum qiladi.

Takliflarni qabul qilish muddati: 2025-yil 17-aprel soat 9:00 dan 17-may soat 17:00 gacha.

Transport vositalari va ochiq savdo haqida batafsil ma'lumot olish uchun quyidagi QR kodni skanerlang.

Qo'shimcha ma'lumotlar uchun quyidagilarga murojaat qilishingiz mumkin: E-mail: ulugbek.abdullaev1@cci.com.uz Telefon: 77-099-99-11.



Махсус вакил юқори мартабали амалдорлар билан учрашади

АҚШ давлат котиби Марко Рубионинг маълум қилишича, Президентнинг махсус вакили 12 апрель куни Эроннинг юқори мартабали амалдорлари билан тўғридан-тўғри музокаралар ўтказиши.

Унда Эрон ташқи ишлар вазири Аббос Арақчи ва АҚШ Президентининг махсус вакили Стив Уиткофф бошчилигидаги делегациялар қатнашади.

Эслатиб ўтамиз, бир мuddат аввал Президент Дональд Трамп музокаралар тўғридан-тўғри ўтказилишини эълон қилган, аммо Эрон томони делегациялар алоҳида хоналарда ўтиришини, ўмон дипломатлари эса улар орасида воситачилик қилишини билдирганди.

Голливуд фильмлари импорти чекланади

“Биз бозор қоидаларига бўйсуниб, аудитория танловини ҳурмат қиламиз ва Америка фильмлари импорти сонини сезиларли даражада қисқартирамиз”, дейилади ХХР кинематография ишлари бўйича миллий бошқармаси баёнотида.

Хабарларга қараганда, Хитойда умумий касса йиғимларининг атиги 5 фоизини Голливуд фильмлари ташкил этади. Ўз навбатида, Голливуд студиялари ХХРда ўз фильмларидан тушган касса даромадларининг фақат 25 фоизини олади. Таҳлилчиларнинг фикрича, сўнгги йилларда хитойлик томошабинларнинг Фарб фильмлариغا қизиқиши пасайиб кетган.

Билл Гейтс бойлигининг фақат 1 фоизини фарзандларига мерос қолдирмоқчи

“Forbes” нашрининг маълумотига кўра америкалик миллиардер ва филантроп Билл Гейтснинг бойлиги 101 миллиард доллардан ортиқ.

“Фарзандларим бахтли болалик ва яхши таълим олиш имкониятига эга бўлди. Аммо улар бойлигимнинг 1 фоиздан ҳам кам қисmini олишади. Чунки ортиқча бойлик улар учун яхшилик келтирмайди, деб ўйлайман”, деди Б. Гейтс.

У бойлигининг катта қисми бошқаларга хизмат қилиш кераклигини айтди. “Болалар сизнинг қўллаб-қувватловингиз ва муҳаббатингизга шубҳаланмаслиги муҳим. Шунинг учун уларга ёшлигидан ўз фалсафанигини тушуниришингиз керак: сиз уларга бир хил муносабатда бўласиз, улкан имкониятлар берасиз, аммо пулларининг катта қисми унга муҳтож бўлганларга йўналтирилади”, дейди миллиардер. Унинг таъкидлашича, фарзандлари бу қарорни тўғри тушунади ва қўллаб-қувватлайди.

Канлаон вулқони ҳаракатга келди

Сейсмологларнинг маълумотларига кўра Филиппиннинг Негрос оролидаги Канлаон вулқони 4 минг метр балангликка кўл отган. “Euronews” тарқатган хабарда айтилишича, вулқон жойлашган худудда учинчи хавф даражаси эълон қилинди.

Денгиз сатҳидан 2465 метр балангликдаги Канлаон вулқони Негрос оролининг ўртасида жойлашган. Ўтган йил декабрда у отила бошлагани сабаб атрофдаги қишлоқлар аҳолиси кўчирилган эди.

Мутахассисларнинг айтишича, яқин вақтлар ичида хавф даражаси ўзгартирилиши — кўтарилиши ёки туширилиши мумкин. Бу магма ер юзаси томон қандай тезликда ҳаракатланишига боғлиқ.

Айтиш жоизки, Филиппин “Тинч океани оловли халқаси”да жойлашган. Ушбу худудда вулқонлар фаоллиги юқори ва тез-тез зилзила содир бўлиб туради.

14 та янги нефть ва газ кони аниқланди

Конлар аниқлангани ҳақида Саудия энергетика вазири, шахзода Абдулазиз бин Салмон маълум қилди.

“Arab News” хабарига кўра “Saudi Aramco” нефть компаниясига тегишли 14 та янги нефть ва газ кони давлатнинг глобал энергетикада етакчилигини янада мустаҳкамлайди.

Дунёдаги энг йирик нефть экспортчиси бўлган Подшоҳлик Февраль ойида кунига 9 миллион баррелга яқин нефть казиб олди. Бу Подшоҳликнинг қазилма бойликлари салоҳияти кенг ва ўсишда давом этаётганини кўрсатади. Эслатиб ўтамиз, АҚШ бошлари сабаб дунёда нефть нархи сўнгги 4 йилдаги энг куйи даражага тушди. Бу 2021 йил февралдан бери энг паст кўрсаткичдир.

Интернет хабарлари асосида
Шарофиддин ТҲЛАГАНОВ (Халқ сўзи)
тайёрлади.

Қори Ниёзий номидаги Тарбия педагогикаси миллий институти биноси олдида Тошмуҳаммад Ниёз ўғли Қори Ниёзийнинг бюсти очилди.

Халқ сўзи
Народное слово

МУАССИСЛАР:
Ўзбекистон Республикаси
Олий Мажлиси Қонунчилик палатаси Кенгаши,
Ўзбекистон Республикаси
Олий Мажлиси Сенати Кенгаши

Бош муҳаррир Ўткир РАҲМАТОВ

2020 йил 25 мартда Ўзбекистон Республикаси Президенти Администрацияси ҳузуридаги Ахборот ва оммавий коммуникациялар агентлигида 0001-рақам билан рўйхатга олинган. Нашр индекси — 229. Буюртма Г — 442. 13 529 нусхада босилди, ҳажми — 2 табоқ. Офсет усулида босилган. Қоғоз бичими А—2. Баҳоси келишилган нархда.

Газетанинг ҳақиқатий маълумотларини юқоридаги QR-кодни телефонингиз орқали сканер қилинг.

ТЕЛЕФОНЛАР:
Девонхона 71-259-74-51; котибона 71-259-74-53;
эълонлар 71-259-74-45.

Тахриратта келган кўлемлар тақриб қилинмайди ва муаллифга қайтарилмайди.	ГАЗЕТАНИНГ СЎЗЭИБ БЕРИЛИШИ УЧУН ОБУНАНИ РАСМЙЛАШТИРГАН ТАШКИЛОТ ЖАВОБГАР.	ГАЗЕТА ТАХРИРАТ КОМПЬЮТЕР МАРКАЗИДА ТЕРИДЛИ ХАМДА ОПЕРАТОР А. ИСМАИЛОВ ТОМОНИДАН САЎДЛАНАДИ.
ГАЗЕТАНИНГ ПОЛИГРАФИК ЖИҲАТДАН СИФАТЛИ ЧОП ЭТИЛИШИГА “ШАРҚ” НАШРИЁТ-МАТБАА АКЦИЈАДОРЛИК КОМПАНИЈАСИ МАСЪУЛ. БОСМАХОНА ТЕЛЕФОНИ: 71-233-11-07.		

“ШАРҚ” НАШРИЁТ-МАТБАА АКЦИЈАДОРЛИК КОМПАНИЈАСИ БОСМАХОНАСИ. Корхона манзили: Буюк Турон кўчаси, 41.

ЎЗА якуни — 20.50

Тошпирилди — 00.25

1 2 3 4 5 6